231097

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

22 октябрь, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 216 (1733)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
**ФАРМОЙИШИ**

## НАМАНГАН ВА ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИДА 1997 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПШИРИШНИНГ ҚОНИҚАРСИЗ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

1997 йилда Наманган ва Фарғона вилоятларида пахта тайёрлаш топшириғини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Бугунги кунга қадар Бешариқ, Наманган, Чортоқ туманлари ва 50 дан ортиқ хўжаликлар пахта тайёрлаш йиллик топшириғини уддаладилар. Норин, Олтиариқ ва Фарғона туманлари ҳам йиллик топшириқни бажариш арафасида меҳнат қилмоқдалар.

Шу билан бирга 17-18 октябрь кунлари жойларга бориб аҳвол ўрганилганда бир қатор туман, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тўла тушуниб етмаётганликлари, айниқса, пахта етиштириш ва тайёрлашда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўяётганликлари аниқланди. Жумладан, мавжуд техникаларни мавсумга ўз вақтида тайёрланмаганлиги, кузги шудгор сифатсиз ва ўғитсиз ўтказилганлиги, баҳорда пахта экиш муддати кечиктириб юборилганлиги, уруғчиликка эътибор берилмаганлиги, ғўзани парвариш қилишда агротехника талаблари қўпол равишда бузилганлиги, ғўза дефолиациясини ўтказишда кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги бугунги кунда терим суръатларига катта таъсир кўрсатмоқда. Наманган вилоятида жорий йилда атиги 3,5 минг тонна, Фарғона вилоятида умуман бир тонна ҳам пахта машинада терилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бундай ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш чораларини кўрмаган. Улар жойларда амалий ёрдам бериш ўрнига хотиржамликка, боқибеғамликка берилиб ҳисобот бериш ва рақамларни бўрттириб кўрсатиш билан шуғулланганлар.

Жойларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмайди. Лоқайдлик, бепарволик ва манманлик муҳити ҳукм сурмоқда. Янгиликка интилмай эскича фикрлайдиган раҳбарлар билан муросасозлик қилиб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар қониқарсиз олиб борилаётганлиги, хусусан пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишдаги жиддий хато ва камчиликлари ҳамда бу борада техникага таянмаслик кайфиятида бўлиб, йил давомида хотиржамликка берилиб, пахта агротехник холатлари ҳисоботларини онгли равишда бузиб кўрсатиш ҳолларига йўл қўйганликлари ва ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида давлатга иқтисодий зарар етказилганлиги учун Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборовга ва Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминовга ҳайфсан эълон қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги қарорининг бажарилишини таъминламаганликлари учун Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг қарорлари билан Тўрақўрғон, Косонсой, Уйчи, Чуст, Охунбобоев, Тошлоқ, Боғдод, Бувайда, Риштон туманлари ҳокимларига ҳайфсан эълон қилинганлиги ҳамда Ёзёвон тумани ҳокими Х. Ахмадалиев ва мазкур вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари буйруғи билан Ёзёвон, Учкўприк, Тошлоқ, Боғдод, Бувайда, Косонсой, Поп ва Чуст туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг ўз лавозимларидан бўшатилганликлари инобатга олинсин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотлар талаб даражасида олиб борилмаётганлиги, пахта етиштириш технологияси ва уруғчилик билан жиддий шуғулланилмаётганлиги, ҳисоботлар кўзбўямачилик билан бўрттириб кўрсатилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиёзовга ҳайфсан эълон қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига жорий йилда етиштирилган пахта ҳосилини тез фурсатда йиғиштириб олишни таъминлашнинг қатъий чора-тадбирларини кўриш, бу борада лоқайдликка, эътиборсизликка, сансалорликка йўл қўяётган раҳбарларнинг масъулиятини кўриб чиқиб, уларнинг ўрнини ёш, изланувчан, ташаббускор кадрлар билан тўлдириш вазифаси топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. Мустафоев), Ички ишлар вазирлигига (З. Алматов) етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда нобудгарчиликка йўл қўйилаётган, ўз вазифаларига совуққонлик билан қараш оқибатида давлатга иқтисодий зарар етказилаётган ҳолатларга нисбатан амалдаги қонунлар доирасида чора кўриш топширилсин.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 октябрь.





***Ким ҳам ишонарди дейсиз, уч-тўрт йил аввал Ўзбекистон далаларида Американинг машҳур машина-тракторлари ғалла ўришига! Ёҳуд бир кунда ўттиз тоннадан зиёд пахта теришини тасаввур қилармидик? Йўқ, албатта. Бугун эса...***

***Мамлакатимиз деҳқонлари хорижнинг ғаройиб «меҳнаткаш» техникалари меҳнатини кўриб гоҳ ҳайратлансалар, гоҳ кўнгилларида хижиллик туйишаётир. Неғаки, эскирган техникалар уларни эсанкиратиб қўяётгани, айниқса, кузда жуда сезилиб қолди. Лекин Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган давлат ҳиссадорлик машина-трактор парки аъзолари шартнома асосида хўжаликларга техника ёрдами кўрсатишаётгани ҳаммани қувонтиряпти.***

***Шунинг учун бу йилги мавсумда Юқори чирчиқлик деҳқонларга «Кейс»лар жуда қўл келди. Мазкур парк механизаторлари Эгамберди Йўлдошев ва Собир Жўрабоевлар (пастдаги суратда) «Кейс»лар бизни уялтирмаяпти, дейишди.***

**Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — НЕМИС ТИЛИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон -- ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилиниб, жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ҳақиқатан ҳам, бу асарда кўтарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки бошқа мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда мустақилликка эришган янги давлат -- Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли теран илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамиятининг янги аср бўсағасида дуч келаётган муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечимига бағишланган ушбу китоб кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмоқда. Чунки бу китобдаги ғоя ва хулосалар назариётчининг бетараф кузатувлари эмас, балки янги типдаги сиёсий арбобнинг сержирра амалий фаолияти билан боғлиқ ҳаётий тажрибалар маҳсули эканлиги билан ҳам, айниқса, қимматлидир.




Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги машҳур «Гибир Тонис» нашриёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини немис тилида кўп нусхада нашр этди. Асарнинг немис тилида чоп этилиши Германия жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

**(ЎзА)**

*● ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА*

## 1998 ЙИЛ БЮДЖЕТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

***1997 йил ҳам поёнига етмоқда. Шу боис, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари Парламентларида 1998 йил Давлат бюджети ҳақидаги масала кун тартибига қўшилмоқда.***

***Мухбиримиз Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадовга ана шу хусусда савол билан мурожаат қилди.***

- Мен шу ўринда даставвал Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва Давлат бюджети лойиҳаси» қўмитамизга ўтган йилдагидан анча барвақт тақдим этилганлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Чунки бу бизга мамлакат бюджетини обдон таҳлил ва муҳокама қилиш имкониятини пайдо қилади.

Айни пайтда қўмитамизда ушбу масала юзасидан ишчи гуруҳи тузилган. Биз уни ҳозир тармоқлар бўйича кўриб чиқаяпмиз. Яқин кунлар ичида қўмитамизда муҳокама қилишни мўлжаллаб турибмиз.

**- Дастлабки хулосаларингиз қандай?**

- Ёмон эмас, ҳеч бир соҳа ва тармоқ назардан четда қолмаған. Тўғри, айрим жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин уларни қўмитамизда бўладиган муҳокама давомида ечиш ва бартараф қилиш имконияти бор, деб ўйлайман.

Шунингдек, қўмитанинг навбатдаги йиғилишида мамлакат бюджетининг 1997 йилдаги ижросини ҳам ўрганиш ва таҳлил қилиш режалаштирилган. Бу эса бизга мамлакатнинг янги йилдаги бюджетини янада пухта-пишиқ тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқиш учун имконият яратади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**И. НУСРАТ суҳбатлашди.**

## ДУНЁВИЙ ЭЪТИРОФ

***Туркиянинг Истамбул шаҳрида Жаҳон Туризм Ташкилоти (ЖТТ) Бош Ассамблеясининг йиғилиши бошланди.***

140 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашаётган мазкур анжуманда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Йиғилиш мобайнида кўплаб бошқа тадбирлар қаторида ташкилотнинг Ижроия Кенгаши аъзолиги учун сайлов бўлиб ўтди. Сайловга Франция, Италия, Кипр, Россия, Малта, Хорватия давлатлари билан бир қаторда, республикамиз номзоди ҳам қўйилган эди. Сайлов натижаларига кўра, Кенгаш аъзолигига Франция, Италия ва Ўзбекистон қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг бундай йирик халқаро ташкилот Ижроия Кенгашидан жой олиши бежиз эмас. Барчага маълумки, «Буюк Ипак йўли»ни тиклаш, республикада туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида мамлакатимиз раҳбарияти кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Тарихий обидаларни таъмирлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш, шунингдек, сайёҳлар эътиборини жалб қиладиган маданий меросни асраб-авайлаш, миллий қадриятларни тиклаш мақсадида ишлаб чиқилаётган дастурлар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Республикамизга ЖТТга аъзо мамлакатлар томонидан кўрсатилган ишонч ҳамда Ўзбекистоннинг обрўли ўринга лойиқ топилгани жаҳон интеграцияси сари дадил одимлаётган мамлакатимизнинг дунёвий эътирофидир.

ЖТТ Ижроия Кенгаши аъзоси этиб сайланган Ўзбекистон дунё миқёсида сайёҳликни ривожлантириш ишига ҳисса қўшиш ҳамда ўзининг сайёҳлик борасидаги салоҳиятини янада кенгроқ тарғиб қилиш имконига эга бўлади.

**(ЎзА)**

## ЕРНИ СОТГАН ЭР БЎЛМАЙДИ

### ёхуд шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолияти хусусида

***Аслинг билсанг оби гил, яна гилга кетаро.***

**Аҳмад ЯССАВИЙ.**

**Г**ил -- тупроқ, ер, замин. Об -- сув, тириклик манбаи. Парвардигори олам фаришталарни нурдан, одамизодни тупроқдан яратди. Тупроқни сувга қориб, унга шакл берди, шамойил берди -- жон ато этди. Шундан буён инсон умр бўйи тупроқдан ризқ-рўз ахтаради, ердан оёғини узмайди. Зеро, унинг ердан оёғи узилган кун насибаси ҳам тугайди, умри интиҳо топади.

Робинзон Крузони эсланг. Кимсасиз оролда чорак аср яшаб, бир парча ердан ризқ-рўз топади, тўрт кафт буғдой ундириб, бола каби қувонади, тириклик тамойилини топгандай бўлади. Бироқ у шунгадовур қанчалик тер тўкишини, кечалари кўз юммай тоғ эчкиларидан ҳосилни қўриқлаб чиқишини, ҳар туп буғдойга кафтлаб сув қуйишини ҳам ҳаммамиз яхши биламиз. Хуллас, у кимсасиз оролда, тоғу тош орасида томорқа яратади ва бутун кучини, меҳрини шу бир парча ерга бахшида этади.

Ёки афсонавий Антейнинг қаҳрамонликларини ёдингизга туширинг. Унга ҳеч ким бас келолмайди -- дўст ҳам, душман ҳам. Ёғийлар бор кучини, ҳийла-найрангларини ишлатиб кўради. Аммо уни мағлуб этишнинг чорасини тополмайди. Уни қилич кесмайди, ўқ ўтмайди. Шунда душманлар бир донишманднинг олдига боришиб, ундан маслаҳат сўрайдилар.

-- Антейни енгишнинг битта йўли бор, -- дейди мўйсафид. -- Унинг оёғини ердан узиш керак! У товони билан ердан куч-қувват олади...

**Ш**уларни эслар эканман, бу оламни яшнатувчи, баркамол этувчи, унга зеб ва зийнат берувчи ягона қудратли омил борлигига ишонаман. Бу -- ИНСОН, ЕР ва МЕҲНАТ муштараклигидир. Буларни бир-биридан ажратиб бўлмайди -- эт билан тирноқ янглиғ. Улар бир-бирини тўлдиради ва мукаммал этади.

Шу ўринда, азиз ватандошим, яна бир нарсани эслаб ўтишимизни жоиз деб топаман. Мамлакатимиз Президенти 1989 йилдаёқ (у вақтда юртимиз мустақил деб эълон қилинмаган, Президентлик лавозими ҳам таъсис этилмаган, комфирқанинг беш панжасидан қон чаккиллаб турарди) Ер муаммосини кўндаланг қўйди. Министрлар Советининг қарори билан 300 минг гектар ер томорқа учун ажратиб берилди. Олий Советнинг дастлабки сессияларидан бирида, аниқроғи 1990 йилда «Ер тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Демократимизки, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг дебочаси ерга муносабатдан бошланган эди. Бу сиёсат бугунги кунга қадар шаклланди, тараққий топди. Шоирлар тили билан айтганда, бугун деҳқон, мамлакатдаги ҳар бир оила, хўжалик ернинг таъмини татиди, унинг қудратини таниди. Ҳозир биргина суғориладиган ерларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар майдони 650 минг гектардан ошиб кетди.

**Ў**збекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошқармаси мутахассисларининг маълумот беришича, 1997 йилнинг 1 январигача 3 миллион 883 минг 948 та оилага томорқа сифатида ер ажратилган. Хуллас, шу тариқа мамлакатимизда шахсий ёрдамчи хўжаликлари дунёга келди ва у давлат муҳофазасига олинди. Унда халқ хўжалигининг барча тармоқлари мини шаклда ривож топиб борди.

Шу йил бошида, аниқроғи март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»** Фармони эълон қилинди. Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, ушбу Фармонни бажаришни ташкил этиш масалалари ҳақида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Ҳар иккала ҳужжатда ҳам шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари мамлакат иқтисодиётига баракали улуш қўшаётганлиги, минглаб одамлар иш билан банд бўлганлиги ҳақида гап боради ҳамда бу тизимдаги аҳволни янада яхшилаш чора-тадбирлари кўрсатиб берилади.

**Д**арҳақиқат, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг иқтисодиётимизга қўшаётган улушлари салмоқли бўлаётир. Республика шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси мутахассислари билан суҳбатлашганда биз бунга тўла амин бўлдик. Айни пайтда қорамолларнинг 81 фоизи (3 млн. 909 минг бош) шахсий ёрдамчи хўжаликлардадир. Бу кўрсаткич қўй ва эчкиларнинг 70, чўчқанинг 30, от ва туянинг 40, парранданинг 55 фоизини ташкил қилади. Шу боис бу хўжаликларда ишлаб чиқариш суръати ҳам кескин ортиб бормоқда. Ишлаб чиқарилган гўшт ва сутнинг 85, тухумнинг 64 фоизи бевосита шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳисобига тўғри келмоқда.

Яна бир фактга эътибор қаратишингизни сўраймиз. Ҳарқалай бунда мулк манфаатдорлиги бир қадар сизга ҳам аён бўлади, деб ўйлаймиз. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ҳар гектар майдондан 80,8 минг сўмдан маҳсулот сотаётган бўлса, бу кўрсаткич республикадаги бошқа тоифадаги хўжаликларда 9,4 минг сўмни (пахтадан ташқари) ташкил қилмоқда. Орадаги фарққа қаранг -- осмон билан ерчалик! Ҳукуматимизнинг бу соҳани ривожлантиришга кучли эътибор бераётганлигини энди англаб олгандирсиз.

**Х**алқимизда, товус танасига қараб яйрайди, оёғига қараб йиғлайди, деган нақл бор. Негаки у қанчалик гўзал бўлмасин, оёғида дарди бор экан. Худди шунингдек, биз томорқа хўжалигининг нақадар зарурлиги, ундан олинаётган маҳсулотларнинг салмоқлилиги ҳақида яйраб гапирдик. Таассуфки, ердан фойдаланиш, томорқага муносабат масаласига чуқурроқ кириб борган сайин бу соҳа ривожига тўсқинлик қилинаётганлиги, ерга ва ишга ўгай кўз билан қаралаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Бу борада муаммолар озгина эмас. Энг аввало, мутахассисларнинг фикрига кўра, «Ер тўғрисида»ги ҳамда шунга дахлдор бошқа қатор Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади. Қолаверса, ердан, аниқроғи, томорқадан фойдаланишни назорат қилиш тизимига ҳам жиддий таҳрир зарур. Илгарилари назоратни ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошқармаси олиб борарди. Зеро, бу бошқарманинг бевосита вазифасидир. Аммо кейинчалик назорат иши негадир табиатни муҳофаза қилиш тизимига топширилди. Бу эса назорат ишини сусайтириб юборди, бу борада хўжасизлик бошланиб кетди. Бизнингча, ердан фойдаланишни назорат қилиш ваколатини бош бошқармага қайтадан бериш лозим. Негаки Президент Фармонида таъкидланганидек, якка тартибда маҳсулот етиштирувчиларга ажратиб берилаётган ерларнинг сифати баъзида паст бўлиб, улардан самарасиз фойдаланиш ҳоллари ҳам мавжуд. Ҳукуматимизнинг бу борадаги ғамхўрлигини ҳис этмай, томдан тараша тушди, бўйимга яраша тушди, деб боқибеғам юрганлар ҳам анчагина. Айниқса, Сирдарё ва Жиззах вилоятидаги шахсий ёрдамчи хўжаликлари фаолиятида бу нуқсонлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Шу туфайли ўтган йили 1000 гектар ер одамлардан қайтариб олинди. Айни пайтда ҳам 8400 гектар ердан қониқарсиз фойдаланиш фактлари мавжуд. Шундан 3100 гектари қайтариб хўжаликка топширилиши кутилмоқда.

-- **Т**оморқа миқдорини кўпайтириш ҳақидаги қарор ўша даврдаги энг долзарб, энг халқпарвар ҳужжат бўлди, -- дейди ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошқармаси бошлиғи Ғани ака Толипов. -- Бу табиатан меҳнаткаш одамларимизга катта имкониятлар эшигини очди. Натижада томорқа хўжаликлари тез ривожланди ва қаддини тиклаб олди. Аммо бу борада ҳам қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, фойдаланилмаган томорқага муомала масаласининг ҳуқуқий-тадбирий мақоми ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Хўш, қонунчилигимиздаги мавжуд тартиб-қоидалар шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятига тўлиқ баҳо бера оладими?

Биз учрашган мутахассисларнинг аксарияти бу саволга «йўқ» деб жавоб қайтаришди. Дейлик, бир деҳқон томорқачиларнинг ўртасидан маълум миқдорда ер олди. Ерга ишлов берди, четдан иморат ҳам бошлаб қўйди. Иккинчи йил эса у томорқани мутлақо унутди. Бундай пайтда ерни хўжаликка қайтариб беришнинг имкони йўқ -- чунки у ўртада жойлашган. Бошқа деҳқонга олиб бериш учун олдинги соҳибнинг қурган иморати халал беради. Бундай пайтда нима қилиш керак?

**Б**изнингча, дейишди кўпчилик, томорқа соҳиби дастлаб ердан олинадиган ҳосил қийматини бир неча баробар миқдорда жарима сифатида тўлаши лозим. Умуман, бунинг ҳуқуқий мақомини, лозим топилса «Ер кодекси»ни ишлаб чиқиш зарур. Шунда бугунги кунда учраб турган томорқа олиб-сотиш муаммосига ҳам чек қўйиларди.

Энди томорқада етиштирилган маҳсулотни сотиш масаласига келсак. Шу ўринда воқеалардан бироз чекинишга тўғри келади. Аслида буни чекиниш эмас, воқеаларнинг ривожи деб тушунмоқ керак. Бундан беш-олти йил илгари шаҳарлардаги дўконлар олдида эрта тонгданоқ гавжум одамларни учратардингиз. Улар совуқда қалтираб, сут олишга навбатда туришарди. Бу навбатлардан ушбу сатрлар муаллифи ҳам мосуво эмас эди. Кимгадир сут етар, кимдир бўш идиш билан уйига қайтарди. Бугун эса манзара бутунлай ўзгарди. Эндиликда ҳар тонгда серуйқу шаҳар халқини «сут, молоко, қаймоқ, қатиқ» деган овозлар уйғотади. Шаҳар атрофида шахсий томорқа хўжалигида етиштирган маҳсулотларини беланги бўлиб кўтариб хонадонма-хонадон сотиб юрган опа-сингилларимизни кўриб, раҳми келади кишининг. Улар етиштирган маҳсулотини сотиш учун кира машиналарга, автобусларга осилиб, нега овораи сарсон бўлиши керак? Афсуски, бу фақат сутга дахлдор муаммо эмас. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга уруғлик ва кўчатлар, ем-хашак ва ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва ихчам техника сотиш тизими аниқ-пухта йўлга қўйилган эмас. Сервис хизмати кўрсатиш даражаси жуда паст. Масалан, кейинги олти ой мобайнида республика шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасига бор-йўғи 15 минг тонна ем, 14 минг 200 тонна шрот берилган, холос. Кўплаб шахсий деҳқон хўжаликлари ва бошқа муассасалар ўртасидаги шартнома юзаки, номигагина тузилмоқда ҳамда уларнинг ижроси билан ҳеч ким қизиқмаётир. Натижада томорқачи ўз қимматли вақтини бозорма-бозор, уйма-уй югуришга сарфлаётир. Жойларда маҳсулотларни турлари бўйича қабул қилиб олиш, уларга ўғит, уруғлик, озуқа сотадиган пунктлар очиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Жойларда маҳаллий ҳокимият, қишлоқ фуқаролик йиғинларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларга эътиборсизлиги улар етиштирган маҳсулотларнинг миқдорини аниқ ҳисоб-китоб қилишга ҳам имкон бермаётир. Бу хўжасизлик эса товламачилик ва кўзбўямачиликни келтириб чиқармоқда. Айрим деҳқон хўжаликлари соҳиблари умумий солиқдан қочиб, маҳсулотнинг бир қисмини бозорда сотаётганликлари фактлари ҳам мавжуд.

**Ў**збекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасида шундай гап бор: **«Ер -- Ўзбекистон Республикасининг мулки».** Демак, республика ҳудудидаги барча ер мамлакатга дахлдор, мамлакатникидир. Ер томорқа соҳибига ҳам, деҳқон хўжалигига ҳам фойдаланиш учун, ундан мўл ҳосил ундириб, халққа бериш, пировардида меҳнатининг манфаатини кўриш учун берилади. Болалигимизда ўқиган Мирзакаримбойнинг бир жайдари фалсафасини эсланг. Жияни Йўлчи муҳтожликдан бир парча ерини сотмоқчи бўлганида, у: «Жиян, ерни сотманг, ер сотган эр бўлмайди эр киши ер сотмайди», дейди. Маърифатли, зиёли, биз юқорида номини тилга олган бошқарма мутахассиси Олим Ҳакимов бамаъни гап айтди: **«Ерга эгалик қилишга эмас, ердан қандай фойдаланишга талашиш керак. Сен ҳамма мулкингни -- пулингни, молингни, машинангни, бор бисотингни олиб кетишинг мумкин, аммо ерни ҳеч жойга олиб кетолмайсан. Ерни сен ололмайсан, бир кун келиб у сени бағрига олади».**

**Б**из мақола бошида Инсон, Ер ва Меҳнат муштараклиги ҳақида сўз юритдик. Зеро, ана шу муштараклик ва уйғунлик, ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги натижасида шахсий ёрдамчи хўжаликлар оёққа турди, тетапоя бўлди. Биз унинг дастлабки куртакларини ҳам кўрдик. Ерда ётган юмуртқа осмонда учган қуш бўлар, дейдилар. Шу соҳага дахлдор бўлган вазирликлар, корпорациялар деҳқонга амалий қўлини чўзишлари керак. Зотан, бу мадад қўлини қандай чўзиш, «юмуртқадан қуш ясаб, парвоз эттириш» асослари, йўл-йўриқлари Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида тўла ва аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган. Ҳамма гап уни ҳаётга татбиқ этишда ва эртанги кунга келиб, томорқаларимизда элимизнинг ризқ-насибаси янада гуркираб униб чиқиши учун деҳқонга амалий кўмак беришдадир.

**Эсирган БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўлими муҳаррири.**

# ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОНИМИЗ ЧЕКСИЗ

**Дурдона шаҳарларимиз, қадимий фан ва маданият бешиклари — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар халқимизда ўчмас таассурот қолдирди. Байрам мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ўтказилаётган маънавиятни юксалтириш борасидагиислоҳотларнинг, миллий қадриятларни тиклашга, бой маданий тарихимиз ва давлатчилик анъаналаримизни ўрганишга қаратилган ибратли ишларнинг ёрқин намойишига айланди.**

**Юбилей тантаналарида, унинг доирасида ўтказилган «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка» халқаро симпозиумда дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан жамоат арбоблари, йирик олимлар қатнашди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдилар. ЎзА мухбирлари хорижий меҳмонлар билан учрашиб, юртимиздан олган таассуротлари, байрам ва илмий анжуман ҳақидаги фикрларини сўрадилар.**

**ЭСОНБЕКА ТЎҒОН**
**(Туркия):**

-- Мен ўтган йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналарида қатнашган эдим. Бу йил ҳам юртингиздаги улкан тўйда иштирок этишга мушарраф бўлдим. Олим сифатида менга бу тантаналар Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи турли мамлакат тадқиқотчилари билан мулоқотда бўлиш имкониятини яратгани билан ҳам аҳамиятлидир. Археолог, тарихчи, адабиётшунос, файласуф ва санъатшунослар билан суҳбатда ўзим учун жуда кўп қимматли маълумотларга эга бўлдим.

Байрамнинг театрлаштирилган томошалари менда катта ҳаяжон уйғотди. Уларда буюк тарих, бугунги фаровонлик, халқингизнинг келажакка ишончи мусиқа ва рақслар ёрдамида ифода этилди. Тантаналарда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатнашгани ва нутқ сўзлагани мамлакатингизда тарих юксак қадрланаётганининг намунаси бўлди.

Кўркам «Бухоро» меҳмонхонаси ҳамда Хивадаги Жума масжидида ўтказилган илмий анжуманнинг аҳамияти каттадир. Чунки шундай тарихий маконда тарих хусусида мулоҳаза юритишнинг ўзи юксак мақомдир. Мен анжуманда «Хива ҳудудига Марказий Осиё кўзи билан назар» мавзуида маъруза қилдим. Унда Хоразмнинг ўрта асрлардаги тарихи тўғрисида фикр юритилган. Бухоро ва Хива инсоният тарихининг ҳар даврида исломий ва дунёвий билимлар маркази сифатида шуҳрат қозонган. Бу икки шаҳарнинг Ипак йўлида жойлашганлиги уларнинг дунё маданият ва илм-фани билан ўзаро алоқасини таъминлаган. Тарих билан шуғулланган ҳар бир олим Бухоро ва Хива номини доимо чуқур ҳурмат билан тилга олади.

**СИДДИҚ БАБА**
**(Малайзия):**

-- Серқуёш юртингизда, Бухоро ва Хиванинг қутлуғ тўйларида қатнашиш менинг ҳаётимда унутилмас катта воқеадир. Чунки бу икки шаҳар жаҳон цивилизациясининг марказларидан ҳисобланади.

Мен шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ буюк мамлакатга айланмоқда. Бундай дейишимга асос бор. Зеро, юртингиз бугун юқори маданий ва иқтисодий тараққиётга эришмоқда. Иккинчидан, Ўзбекистонда дунёвий даражадаги олимлар бор. Улар буюк боболари Ал-Хоразмий, Ал-Берунийларнинг ворисларидир. Бугунги Ўзбекистон ўзининг бой мероси ва жаҳоннинг илғор технологиясига асосланган ҳолда келажакни бунёд этмоқда. Мамлакатингизда ҳурриятни ҳис этган, тарихидан фахрланувчи ва замонавий билимларнинг аҳамиятини тушунган авлод пайдо бўлаётир. Жаҳон андозаларидаги таълим тизими ёрдамида улар мамлакатингизнинг илғор фуқароларига айланадилар. Энг асосийси, Ўзбекистон ўз тараққиёт моделига эга. Мен ишонаманки, сизнинг давлатингиз нафақат Осиёда, балки бутун жаҳонда катта мавқени эгаллайди. Мен Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида кўп эшитгандим. Уларни ўз кўзим билан кўриб, ҳайрат ва ҳаяжоним янада ортди.

**ТУРОР КОЙЧУЕВ,**
**Қирғизистон фанлар академиясининг президенти:**

-- Қирғиз халқида, ўтмиши йўқнинг келажаги ҳам йўқ, деган нақл бор. Мен, Бухоро ва Хива шаҳарларининг юбилей тантаналарида иштирок этиб бунга яна бир бор амин бўлдим. Ўзбекистон мана шундай бетакрор қадимий шаҳарларига, миллий урф-одатларига эга юрт. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг ушбу шаҳарларини «марварид дарвозалар» деб аташ мумкин. Шундай экан, улар бугунги кунда нафақат сайёҳлик маркази, балки ўзбек халқининг ўтмишидан фахр-ифтихор туйишга, айниқса, ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Қўшни Ўзбекистон халқи ўзининг ана шундай қадимий ва навқирон шаҳарлари борлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки уни дунё қадимий шаҳарлари орқали ҳам танимоқда.

**ПЁТР ТОЛАЧКО,**
**Украина фанлар академиясининг вице-президенти:**

-- Мен, қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг юбилейи муносабати билан Ўзбекистонда илк маротаба бўлишим. Ана шу тантаналар менга Ўзбекистоннинг бой тарихга эга шаҳарлари ва ўзига хос дилкаш, самимий халқи билан яқиндан танишиш имконини берди. Тўғри, бугунги кунда кўп давлатлар ўзларининг қадимий шаҳарлари юбилейини ўтказяпти. Аммо Ўзбекистондаги юбилей тантаналарида намойиш этилган санъат, ўзига хос миллий урф-одатлар ҳар бир тантана иштирокчисида унутилмас таассурот қолдиради. Ўтмишини, миллий қадриятларини эъзозлаган халқнинг келажаги порлоқ бўлади. Байрамда намойиш этилган театрлаштирилган томошаларда ана шу руҳ ҳукмрон бўлди. Улар ўзбек халқининг теран санъатини яна бир карра намойиш этди.

**(ЎзА)**

## • ПАХТА-97



*Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби Кенжабой Маҳамадалиевнинг номи «Фарғона-3» пахта нави орқали Марказий Осиё пахтакорларига яқиндан таниш. Изланувчан олим яқинда «Фарғона-5» навини яратиб, пахтачиликда улкан муваффақиятга эришди. «Фарғона-5» навининг афзаллиги шундаки, у «Фарғона-3» навига нисбатан 5 кун олдин пишади, машинабоп, толаси майин ва кўсаклари аввалгиларига нисбатан 2-3 дона ортиқ, 1,5-2 мм узунлиги ҳам бор. Микронеири жаҳон стандарти талабига мос.*

***СУРАТДА:** олим Кенжабой Маҳамадалиев пахтачилик бригадаси бошлиғи Муҳиддин Жабборов билан.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

# БЕМОР БЎЛМАНГ, ПАХТАКОРЛАР

**Ким ҳам буни истайди. Лекин иссиқ жон-да. Пахтакорларга ҳамма шароитлар яратилди деганда, шифокорларнинг меҳнати ҳам назарда тутилади.**

Челак туманида пахта терими сал... орқароқда. Сабаби, бу туманда пахта кечки бўлиб очилган.

Туман шифокорлари марказий касалхонада пахтакорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи махсус гуруҳ ташкил этишган. Алоҳида машина, тўрт нафар шифокор хизмат кўрсатишади. Даволаш масканларининг ҳар бирида алоҳида ётоқхоналар ташкил этилган. Туманнинг ҳар бир хўжалигида марказий шифохонанинг вакиллари бор.

**Гули ЧЕҲРА хабарлади.**
**Самарқанд.**

## • ПАРЛАМЕНТ АЛОҚАЛАРИ

# ҲАМКОРЛИКДАН МАНФААТДОРМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт Давлати билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари кейинги икки йил ичида сезиларли даражада ривожланмоқда. Қувайт ҳудуди анча кичик бўлса-да (17,8 минг кв.км), бу мамлакатда олинадиган даромад аҳоли жон бошига (аҳолиси 1,8 млн. киши) ҳисоблаганда дунёдаги энг юқори мамлакатлар ичидан муносиб жой олган.**

Қувайт парламенти -- Миллий Ассамблеяси 1963 йил ташкил этилган. Парламент 50 нафар депутатдан иборат. 25 та сайлов округидан тўғридан-тўғри ва ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан 2 нафардан депутат сайланади. Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига 21 ёшга тўлган эркакларгина эга. Полиция ва армия сафида хизматда бўлганлар сайловда қатнашмайди.

Миллий Ассамблея депутати этиб 30 ёшга тўлгандан сўнг сайланиш мумкин. Мамлакат Конституциясига биноан ижроия ҳокимият вакиллари бўлмиш вазирлар ҳам парламент аъзоси ҳисобланади.

Парламент қонунлар ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш, шунингдек, ҳукуматни тузиш, фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга.

Қувайт парламенти ўзининг фаолиятини мунтазам ўтказиб туриладиган мажлислари ва доимий ишловчи қўмиталар орқали амалга оширади. Қўмиталар билан бир қаторда вақтинча тузилган комиссиялар ҳам иш олиб боради. Мазкур комиссиялар маълум бир даврдаги энг долзарб муаммолар ечими устида ишлайди.

Қувайтда сиёсий партиялар фаолияти тақиқланган. Шундай бўлса-да, сиёсий гуруҳлар, блоклар мавжуд бўлиб, уларнинг сони ҳозирги парламентда 6 тадан зиёд.

Мамлакат бюджетини ишлаб чиқиш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, инвестиция сиёсатини юргизиш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш -- Қувайт Миллий Ассамблеяси диққат марказида туради. Парламент Қувайтнинг ташқи сиёсий йўлини белгилашда ҳам фаолдир. Жумладан, мамлакатнинг ҳарбий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, бошқа давлатлар билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш шартномаларини тайёрлаш, арабларaро муносабатлар Қувайт парламенти аъзолари фаолиятининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт Давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг барча соҳалар, шу жумладан, парламентлараро муносабатлар ҳам ривожланмоқда. Бу ўринда Қувайт молия вазири бошчилигида давлат делегациясининг юртимизга ташрифи ва уларни Президентимиз Ислом Каримов билан ўтказган музокараларини эслаш жоиз.

1995 йил сентябрь ойида Қувайт Миллий Ассамблеяси раиси ўринбосари Солиҳ ал-Фадала бошчилигидаги парламент делегациясининг ватанимизга сафари бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов делегация аъзоларини қабул қилиб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритган эди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт ўртасида иқтисодий, маданий, спорт соҳасида ҳам кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилган.

Аввал хабар қилинганидек, яқинда Қувайт Давлати Миллий Ассамблеяси раисининг ўринбосари Талол Муборак ал-Айар бошчилигидаги парламент делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ўзаро мулоқотлар чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

**Қувайт Давлати Миллий Ассамблеяси раисининг ўринбосари Талол Муборак ал-Айар мамлакатимизга сафари сўнгида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**



-- Тошкент гўзал шаҳар экан. Биз бу ерда ўзимизни худди Қувайтда юргандек ҳис қилдик. Одамларининг муносабати ҳам об-ҳавосига ўхшаш—илиқ. Бунинг албатта кўплаб ўзига хос сабаблари бор. Қувайт билан ўзбек халқининг маданияти, дини, урф-одатлари бир. Устига-устак улар маълум маънода тақдирдошдирлар ҳам. Чунки агар Ўзбекистоннинг истиқлолга эришганига бу йил олти йил тўлган бўлса, Қувайтнинг озод бўлганлигига эса саноқли кунлардан кейин етти йил тўлади. Ҳар икки мамлакат ҳам ҳозир мураккаб ўтиш даврини бошидан кечираяпти.

Қувайт Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида алоҳида мавқега эга эканлигини чуқур англайди ҳамда у билан барча соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Шу ўринда бу икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тобора ривожланаётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ даркор. Айниқса, таълим соҳасидаги алоқаларимиз таҳсинга лойиқдир. Биз бу ерга ана шу алоқа ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш мақсадида келдик. Ва бундай алоқалар Ўзбекистон томонини ҳам қизиқтираётганлиги, тарафдор эканлиги бизни бағоят қувонтирди.

Учрашувларда минтақаларни ядросиз зонага айлантириш хусусида ҳам суҳбатлар бўлиб ўтди. Биз Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасини ядросиз зонага айлантиришдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларидан яхши хабардормиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бир минтақадаги беқарорлик иккинчи минтақага, албатта, раҳна солиши табиий ва шубҳасиздир.

Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги алоқалар барча соҳалар бўйича мунтазам ва доимий ривожланишига ишонамиз.

**Жалолиддин САФОЕВ,**
**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

**Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Европада сайлов мавсуми қизғин давом этаётгани хусусида шарҳ берган эдик. Британ оролларида бошланган сайлов «тўлқин»и тез орада Болтиқ денгизи соҳилларига етиб келиши кутилмоқда. Шарқий Европанинг Болтиқбўйи минтақасида жойлашган Литва Республикасида 21 декабрь куни мамлакат Президентлигига сайлов ўтказилади.**

Айни пайтда сайловолди «пойга»си авж паллага кирди, десак хато бўлмайди. Куни кеча мамлакат Бош сайлов комиссияси давлат раҳбарлиги ўрнига даъвогар бўлмиш саккизинчи номзод -- Вильнюс университети ректори Роландас Повилионисни рўйхатга олди.

Сайлов комиссияси даъвогар тақдим этган ҳужжатларни текширувдан ўтказиб, унинг мамлакат Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларига тўла мувофиқ келишини тасдиқлаб, Президентликка номзод сифатида қайд этди. Эндиликда Павилионис рақиблари сингари камида 20 минг нафар Литва фуқароси бўлган ўз тарафдорларидан варақа йиғиши лозим. Унинг ҳаммаслаклари 6 ноябргача тегишли миқдордаги имзони йиғиб, сайлов комиссиясига тақдим этишлари шарт. Акс ҳолда Р. Павилионис расмий равишда Президентликка номзодлар рўйхатидан ўрин ололмайди.

Мамлакатнинг ҳозирги давлат бошлиғи Альгирдас Бразаускаснинг Президентлик сайловларида иштирок этмаслиги тўғрисидаги баёнотидан сўнг, мазкур юксак лавозим атрофидаги кураш кескин тус олди.

Маҳаллий мутахассисларнинг тахминларига кўра, Президентликка даъвогарлар сони 12-13 кишигача етиши мумкин экан. Аммо ушбу «пойга»да ғолибликни консерваторлар партияси етакчиси, ҳозирги парламент спикери Витаутас Ландсбергис ва фирқасиз, республиканинг собиқ бош прокурори 46-ёшли Артурас Паулаукослардан бирининг имкони кенг. Шарҳловчилар яна бир даъвогар америкалик эколог, келиб чиқиши литвалик бўлган Вальдас Адамкусни ҳам назардан қочирмаётирлар. Чунки у Литвадаги анча таниқли кишилардан. Аммо унинг ўз туғилган ватанидан ташқарида яшагани панд берди. Сабаби В. Адамкус охирги уч йил давомида Литва ҳудудида истиқомат қилмаган, устига устак Конституция талабларига номувофиқ, чет эл маъмуриятида хизмат қилган. Шу боис, Бош сайлов комиссияси унга имзо тўплаш учун имкон бермади.

Хуллас, сайлов «пойга»си қизғин бошланиб кетди. Пойгада эса ғолиб ягона бўлади.

# БРИТАНИЯДА БОШЛАНГАН ТЎЛҚИН

**Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**

## ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

# ХОРИЖ САРМОЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАҚСАДИДА

**Куни кеча Тошкентда «Чет эл сармояларини жалб этишнинг самарали усуллари ва корхоналарнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўллари» мавзуида бир кунлик бизнес-семинар бўлиб ўтди.**

Мазкур анжуман республика Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Департаменти, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, Хорижий инвестициялар бўйича агентлик ҳамда хорижий сармоя бўйича халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Республикамиздаги иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган вазирлик, концерн, корпорация ва муассасаларнинг етакчи мутахассислари иштирокида ўтказилган ушбу бизнес-семинарни уюштиришдан мақсад, қатнашчиларга халқаро капитални жалб этишнинг самарали усуллари, экспорт маҳсулотлар ва хизматлар ташқи бозоридаги ҳаракатининг маркетинг услублари юзасидан кенгроқ маълумот беришдир.

Анжуман чоғида сармояларни барқарорлаштириш, халқаро технология, маҳсулот ва хизмат бозорига кириб бориш, маҳаллий товарларни халқаро андозалар даражасига кўтариш ва экспортга йўналтириш бўйича фикр алмашилди.

**(Мухбиримиздан).**

## БИЗНИНГ ШАРҲ

# XXI АСРДА ҚАЙСИ МАШИНА ПАХТА ТЕРАДИ?



**Илгари хабар қилганимиздек, Республикамиз Президенти Ислом Каримов 15 октябрь куни «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида бўлган эди. Ҳукуматимиз раҳбари бу ерда «Ўзкейсмаш» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида йиғилган «Кейс-2022» пахта териш машинасини кўздан кечириш билан бирга, мутахассис олим ва машинасозлар билан қизғин суҳбат ўтказди.**

Йўлбошчимиз «Ўзкейсмаш» қўшма корхонаси бош директори Жон Боутон билан мулоқотда бўлиб, «Сизлар ишончли ҳамкорсизлар, биз «Кейс» корпорацияси билан биргаликда ишлашга тайёрмиз» деди. Шу билан бирга, техниканинг айрим нуқсонлари ҳақида огоҳлантириб, уларни тезда бартараф этишни ва бу ҳақда корпорациянинг АҚШдаги бош директорига етказиб қўйишни тайинлади.

Президентимиз қолоқ совет техникаларидан воз кечишимиз вақти келганлигини яна бир бор уқтириб ўтди: ўзингиз фараз қилинг, нари борса 60-80 от кучига эга бўлган, ишлашидан тўхтаб туриши кўп бўлган бу техникаларнинг кўпчилиги бугунда деярли моҳир терувчи билан бир хил миқдорда пахта термоқда. Уни созлаш, эҳтиёт қисм, ёнилғи тўғрисидаги масалалар-чи? Қўлда терилган пахта билан бунақа машинада терилган пахтанинг фарқи эса ер билан осмонча. Ҳар икки соатда шпинделларини ювиш учун ариқ излаш, бункерига 2-3 кишини чиқариб пахтани пресслашлар бутунлай ортиқча машмаша эди. Машина чувиб, ерга тўкиб кетган пахталарни эса яна қўлда териб чиқишга тўғри келар эди.

Замонавий «Кейс-2022» пахта териш машинаси афзалликлари эса ўз далаларимизда ҳам аллақачон исботланди. 160 от кучига эга бўлган бу қудратли техниканинг бункерига 2 тонна пахта сиғади ва ҳар 3 минутда ўзи автоматик равишда уни пресслаб туради. Шовқинсиз кабинадаги қулайликлар эса механизаторларимизга жуда маъқул келди. Кунига 30-35 тоннагача пахта тераётган бу аломат машиналарнинг иш унумдорлиги аввалгилардан 5-6 баробар ортиқ бўлаётир. «Кейс»нинг яна бир афзаллиги -- у дефолиация қилинмаган ғўзаларнинг пахтасини ҳам тера олади. Энг муҳими эса ҳар кассетада 18 қатордан жойлаштирилган, минутига 4300 марта айланиб турадиган 856 та горизонтал шпинделлар пахтани тоза, сифатли теради, бунда ғўза тупи эзилмайди. Вертикаль шпинделли машиналарда бир қатор ғўзадаги пахтани юлиб олиш учун фақат уч қатор шпинделлар ҳаракат қиладиган бўлса, горизонтал шпинделли машиналарда ҳар қаторида 18 тадан бўлган 5 қатор, жами 90 та шпиндел бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилади. Натижада бу машина юриб ўтган карталарда «подбор» теришга ҳожат қолмайди.

Президент бу ерга таклиф қилинган олим ва машинасозларимизга «Нега бутун жаҳон горизонтал шпиделларни ёқлаб иш кўрадиган бир вақтда биз вертикал шпиделлардан воз кеча олмаганмиз» -- дея ҳақли саволни ўртага ташлади. Олимларимизнинг фаолиятидаги баъзи камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Ҳозирча бутловчи қисмлар АҚШдан келтирилиб, Тошкент мотор заводида йиғилаётган бу мўъжизавий машиналар яқин йилларда ўзимизда ишлаб чиқарилади. Яъни шу йилнинг ўзидаёқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бошланиб, 2000 йилга бориб тўла маҳаллийлаштирилади. Эндиликда «Ўзкамминзматор» қўшма корхонаси, Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Ўзэлтехсаноат заводи, «Нефткимёсаноат» заводи, Жиззах аккумулятор заводи, Кувасой ойна заводи ва Ангрен техника резиналари ишлаб чиқариш заводи каби жами 17 та шундай корхонамиз ўз фаолиятларида қисман ўзгариш ясаб, ўзимизда чиқадиган «Кейс-2022» пахта тозалаш машиналари учун бутловчи қисмлар етказиб беради.

Давлатимиз раҳбари бизда пахта етиштиришнинг кечга қолиш сабабларидан яна бири — уруғликдаги чалкашликлар эканлигини айтиб ўтди. Хўжаликларимизда ҳатто бир картага икки хил пахта нави экилган ҳолларни қандай изоҳлаш мумкин? Кўсаги кўп бўлгани билан у 170 вегетация кунида очилмас экан, бундай навнинг бизга кераги борми? Одатдаги навлар ғўза очилгунга қадар 2300-2400 градус иссиқликни талаб қилар эди. Бу йил эса 2600 градус иссиқликни қабул қилган бўлса-да, ҳали очилмаган навлар кўп. Бир навнинг яратилиши учун ўн, ҳатто ўн беш йил вақт керак бўлади. Ўн беш йилда мана шунақа бўлмағур навнинг яратилишидан пахтакор манфаат топадими? Ҳосил кеч йиғиб олингач, келаси йил ҳосили учун ерга ишлов бериш ҳам ўз ўзидан кечикади. Декабрь ойининг ярмида ерни қор қоплаган пайтга бориб шудгор қилиш ерни ишдан чиқаради. Шуларни ҳисобга олиб Президентимиз олимларимизга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишли илмий муассасалар билан ҳамкорликда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ, иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда уруғ танлаб тавсия қилиш лозимлиги тўғрисида топшириқлар берди.

Дарҳақиқат, мавжуд камчиликлар бартараф этилиб, яъни энг сара уруғлар танлаб олиниб, ўз вақтида замонавий техникаларда йиғиб-териб олинадиган бўлса, Оллоҳнинг иноятидан ёғилган бу юртнинг дунёда тутадиган салоҳияти ҳам бошқача бўлажак! Азамат «Кейс» техникаларининг далаларимизда «жавлон» ура бошлаши қишлоқ хўжалигимизда кескин бурилишга олиб келади, деб умид қиламиз. Негаки бунга асослар етарли. Ғалла, шоли ўрими ва бошқа дала юмушларини ҳам «Кейс»лар қойилмақом қилиб уддалаяптилар. Бизга энг кераклиси ҳам шу -- иш унумининг юқорилиги, қолаверса, исрофгарчиликка йўл қўймаслик. Шу важдан республикамизда «Кейс» гуруҳига тегишли бир йўла тўрт қўшма корхонанинг очилиши ҳам бежиз эмас. Булар: «Ўзкейсмаш», «Ўзкейсхизмат» (техникаларга техник хизмат кўрсатиш бўйича), «Ўзкейслизинг» (қишлоқ хўжалик техникаларини узоқ муддатга ижарага бериш) ва «Ўзкейстрактор».

Президентимиз таъкидлаганидек, пахтани қўлда эмас, машинада териш вақти келди. Насиб бўлса, ҳадемай бизда ҳам шундай машиналар ишлаб чиқарилади. 2000 йилга бориб машиналарнинг тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарилиши бизни қониқтиради. Қолаверса, ўз вақтида тузилган лойиҳа бу.

**Нарзулла ШОНИЁЗОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА...

# ЭЗГУЛИК БОҒИДА КЎКАРГАН ҚИРМИЗИ ОЛМАЛАР

***Бозор. Айни туш пайти. Савдо эса қизигандан-қизияпти. Камина ҳам таътил кунлари рўзғордан ортган меваларни бозорга олиб чиққанман. Мева-чева расталарида ҳар хил ваза, патнисларга чиройли қилиб терилган олма-ю анорлар кишининг ҳавасини келтиради. Лекин сотувчилар ҳар замонда бир «меҳмон» бўладиган биз сингариларни яқинларига йўлатишмайди. «Жой йўқ, ҳали фалон нарсам бор, сотолмаяпман», дейишади. Нима ҳам қилардингиз, мева растасидан сал нарига -- нақ ерга мевани қўйиб, ўзингиз эса тик ҳолатда сотаверасиз-да. Ачинарлиси, йўқ-йўқ, «қувонарлиси» шуки, сизнинг нарсангизни арзонгина нархда кўтарасига оладиганлар ўша -- сизга жой бера олмаган сотувчи бўлади.***

Энди соя туша бошлаган устун ёнидан ўрин олдим. Мевани ерга қўйиб, аввал нархини суриштирдим. Чунки ўзингиз нарх қўёлмайсиз. Бозор нима бўлса шу. «Элга келган тўй» дейди, доно халқимиз. Килоси 15 сўмдан экан. Пастроқ баҳода, арзонроқ сотиш эса ўзингизга ҳавола. Ўтган-кетган одамлар гапига қулоқ тута бошладим. Халталарини тўлатиб олган икки аёл ўзаро суҳбатлашиб турибди:

-- Мавлуда, гилосни қанчадан олдингиз?

-- 45 сўмдан. Лекин мана бу ерда 30 сўм экан.

-- Эҳ, Мавлуда, шуни билмасдингизми? Бу ёқда ерга қўйиб сотадиганлар боғбонларнинг ўзлари, растадагиларнинг эса кўпчилиги олибсотарлар.

Бизнинг меваларни ҳам харидорлар сўрай бошлади.

-- Олмангиз неча пул?

-- 15 сўм.

-- Сизники нега арзон? Янги узилганми ўзи?

-- Олиб еб кўринг, энди келтириб турибман. Боғдан янги узилган.

-- Майли, бозорни айланайлик-чи?

Гап-сўзларимизни эшитиб турган ёнимдаги сотувчи аёл менга қараб кулди.

-- Ҳа, келин, сиз арзон айтдингиз. Унақада ҳозирги харидорлар шубҳаланиб қолишади.

Шу чоғ суҳбатимиз бўлиниб, ёнимизга бир нотаниш хола келиб тўхтади. Эгнида қора мовутдан тикилган бежиримгина нимча, енги узун кўйлак, бошига эса япон рўмолини манглайидан танғиб, устидан оқ дока рўмол ташлаган, оёғида қоп-қора, ялтироқ туфли.

Хола мен билан сўраша кетди:

-- Эсон-омон юрибсизми, қизим? Болалорингиз соғми? Ёнингизда бўш жой борми?

-- Раҳмат, келинг, жой бор.

Холанинг қўлидан идишини олиб ерга қўйдим. Харидорлар олмаларнинг нархини сўрай бошлади. Хола дастлабки харидорларга жавоб бермади.

-- Бозор жуда қиммат экан, болам. Йигирма сўмдан дейишга тилим бормаяпти. Ўн-ўн беш бўлсаям майли, уч-тўрт кило шакар олсам, мураббо пишираман дегандим.

Шу чоғ оппоқ соқолли нуроний бир отахон келиб, холанинг қаршисида тўхтади.

-- Жуда яхши олмалар бор экан. Лекин, аттанг, ўн сўмдан бўлса икки кило олардим, -- деди у киши бош чайқаб.

-- Ола қолинг, отахон, -- деди хола кулиб. Мен чолга олма тортиб бердим. Чол йигирма сўм узатди. Хола пулни оларкан:

-- Рози бўлинг, ота! -- деди.

-- Мингдан-минг розиман, синглим, сиз рози бўлсангиз бўлди, раҳмат.

Отахон кетгач, мен холадан:

-- Нега у кишига олманинг баҳосини айтмадингиз? -- дея сўрадим.

-- Уялдим, болам, уялдим.

Ҳайрон бўлиб турган эдим, хола ўтиб бораётган беш яшар қизчага олма узатди.

-- Ювиб егин, қўзичоғим.

Бошига оқ рўмол ўраган ёшгина келинчак олмаларнинг нархини суриштира бошлади.

-- Маърака қилмоқчийдик. Арзонроқ берсангиз, кўпроқ олардим, -- деди у кўзлари жовдираб.

Хола келинни ёнига имлаб чақирди.

-- Қанақа маърака? -- дея сўради ундан.

-- Яқинда онамлар дунёдан ўтгандилар, шунга охирги маъракалари...

-- Халтангизни очинг, қизим.

Хола олмаларни унинг сумкасига сола бошлади.

-- Ўлчамайсизми, опа? Ахир, ҳали нархиниям келишмадик-ку? -- деди келинчак ҳайрон бўлиб.

-- Болам, мен сиздан пул олмайман, бу дунёда ўлим ҳамманинг ҳам бошида бор, қизим. Онангизни Оллоҳ раҳмат қилсин.

Хола бир нималарни ўқиб, фотиҳага қўл кўтарди. Келиннинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, қўллари титраганча холага пул узатди.

-- Мен рози, пулингиз керакмас, -- деди хола кулимсираб.

Келинчак қайта-қайта раҳмат айтиб, биздан узоқлашди.

-- У кимингиз бўлади, хола? -- сўрадим мен.

-- Танимайман.

-- Танимайсиз?! -- ҳайрон бўлдим...

Эр-хотинлар холанинг олмаларига харидор бўлишди.

-- Арзонроқ беринг, ҳаммасини оламиз, -- дейишди улар. -- Тўй қилаётган эдик.

-- Тўй учун бўлса, ола қолинглар. Тўй бошласангиз, худонинг ўзи етказади, осмонда учиб ўтаётган қуш ҳам бир патини ташлаб ўтармиш, синглим, ола қолинг.

Холанинг ҳамма олмаларини тортиб бердим. Харидорлар унга раҳмат айтишди.

-- Худога шукр, дунёда инсофли одамлар ҳам кўп, ҳожатимизни чиқардингиз, умрингиз узоқ бўлсин, тўйига боринг, -- деди ҳалиги аёл.

Улар кетишди. Хола эса нарсаларини йиғиштирди. Сумкасидан тўрт дона чиройли олма олиб, менга узатди.

-- Олинг, бу сизга, болаларингизга беринг.

-- Йўғ-е, раҳмат, мана, ўзимизда ҳам бор.

-- Ҳар гулнинг ҳиди бўлак, болам. Бу олмалар менинг боғимдан. Менинг ҳам худди сизга ўхшаган очиққина келиним бор. Кўп яшанг, болаларингиз бахтига қувонинг. Уларга мендан салом айтиб қўйинг. Хайр...

Мен бозордан шод-мамнун қайтдим. Чунки мен бугун бу ерда ажойиб бир инсонни учратгандим. Болаларимга тезроқ ана шундай эзгу қалб эгаси ҳақида сўзлаб бериш учун ошиқардим. Руҳим енгил, кўнглимда холанинг болаларга айтган саломи, қўлимда эса қирмизи олмалар...

**Ойпошша ОТАЖОНОВА,**
**Хива туманидаги 16-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.**

● ФУТБОЛ



# КЕЧИККАН КЕЧИРИМ

***Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида Ўзбекистон терма командаси яна бир йирик мағлубиятга учради. «Б» гуруҳининг пешқадами бўлмиш мансуб Жанубий Корея футболчилари ўз майдонимизда бизникилардан 1:5 ҳисобида устун келиб, Осиёдан биринчи бўлиб Францияга бериладиган йўлланмани қўлга киритди.***

***Учрашувдан сўнг матбуот конференцияси ўтказилди. Унда ҳар галгидек Юрий Саркисян эмас, балки терма командамиз бошлиғи Маҳмуд Раҳимов қатнашди.***

**Савол: -- Мана «Б» гуруҳидаги навбатдаги олтинчи учрашув ҳам мамлакатимиз футболчиларига ҳеч қандай наф келтирмади. Яна мағлубиятга учрадиларингиз. Сиз команда бошлиғи сифатида бугунги ўйинни қандай баҳолайсиз?**

Жавоб: -- Биз бугунги учрашувни тактик жиҳатдан ютқаздик. Мураббийларимизнинг фаолияти, футболчиларимизнинг ҳаракати халқимизни қувонтирмади. Рақибларимизга осонлик билан ғалаба қилиш учун имконият бериб қўйдик.

Энг катта хатомиз шундан иборатки, олти учрашув давомида ўттиздан ортиқ футболчини синаб кўрдик. (Улар орасидаги ўн бешдан кўпроғи ҳали бирор марта терма команда ҳисобидаги учрашувларда қатнашмаганди) Асосий рўйхатни тўлиқ тузмасдан, шакллантирмасдан ҳал қилувчи ўйинларни бошлаб юбордик.

**Савол: -- Имконият қўлдан чиқариб юборилди. Навбатдаги амалга ошириладиган тадбирлар, вазифалар нималардан иборат?**

Жавоб: -- Бу мағлубиятлар бизга улкан сабоқ бўлди. Энди терма командани қайтадан тузиш керак. Мураббийлар тайёрлаш лозим. Бизда жаҳон футболи талабларига мос бўлмасада, Осиёда пешқадам бўлишимизни таъминлай оладиган футболчилар кўпчиликни ташкил этади. Кейинги вазифаларимиз. уларни ҳам қўрқмасдан, иккиланмасдан терма командага таклиф қилишдир.

**Савол: -- Футбол ишқибозлари олдида бугун ҳаммангиз хижолатлисиз. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб нима дейсиз?**

Жавоб: -- Имкониятни бой бердик. Мухлислардан кечирим сўраймиз. Биз катта хатога йўл қўйдик. Командамизнинг ўртача ёши ўттизга бориб қолганди. Осиё, Европа мамлакатлари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишимиз лозим эди. Ёшларга ишонч билдирмадик. Натижада ютилдик. Яна бир марта айтаманки, терма командамиз нотўғри тайёрланди. Яхши ишлай олмадик. Аслида Англия, Германия, Италияга бориб, ўйинлар ўтказсак дуруст бўларди.

**Савол: -- Малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?**

Жавоб: -- Биз илгари мураббийларни тажриба орттириш учун Москвага юборардик. Шунинг учун ҳам футболимиз эски даражада қолиб кетди. Ҳозир эса мутахассислар ўзимизнинг жисмоний тарбия институтимизда тайёрланмоқда. Аммо бу ҳам талабга жавоб беролмаяпти. Қисқаси, ҳар йили 7-8 мураббийни ҳеч иккиланмасдан чет элга жўнатишимиз керак. Футболимизни бутунлай қайтадан кўриб чиқиш шарт.

**Савол: -- Терма командага чет элдан мураббий таклиф этсак, натижаси сизнингча қандай бўлади?**

Жавоб: -- Бразилиядан чақирдик. Германиядан ҳам малакали мутахассислар келишмоқчи. Аммо битта, иккита мураббий билан иш битмайдида.

**Савол: -- Саралаш учрашувларига нотўғри тайёрландик деганда нималарни назарда тутаяпсиз?**

Жавоб: -- Биринчидан мураббийларимизнинг фикри, тутган йўли нотўғри бўлди. Дастлаб битта клубдан 7-8 футболчини терма команда сафига киритишди. Сўнгра уларнинг беш-олтитаси бир йўла алмаштирилди. Ўйин тактикаси юз фоиз ўзгартирилди. Футболчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги ҳисобга олинмади.

Терма команда аъзоларини аниқлашда тугал схема асосида иш олиб бориш, мақсадга мувофиқ бўларди.

...Хуллас, Осиё қитъасидаги «Б» гуруҳи саралаш учрашувлари ҳам поёнига етай деб қолди. Ўзбекистон терма командаси олти учрашувнинг учтасини сафарда, учтасини ўз майдонида ўтказиб, тўрт мағлубият ва икки дурангга эришди. Энг ачинарлиси ҳамма имконият бой берилди.

Мағлубиятларимизнинг сабаблари... Аслида сафардаги уч ўйин ва бой берилган дастлабки саккиз очко тақдиримизни 50 фоиз ҳал қилиб қўйган эди. Очиғи, мамлакатимиздаги миллионлаб футбол ишқибозлари, юзлаб мутахассислар умиди саробга айланди.

Энди... Нима бўлади дейсизми? Ҳарқалай, футболимизнинг келажагини ўйлаб, ҳозирдан оқилона чора-тадбирлар кўриш керак.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«Б» ГУРУҲИ, 18 ОКТЯБРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Корея | 6 | 5 | 1 | 0 | 16–4 | 16 |
| 2. Б. А. А. | 5 | 2 | 1 | 2 | 7–8 | 7 |
| 3. Япония | 5 | 1 | 3 | 1 | 9–7 | 6 |
| 4. Қозоғистон | 6 | 1 | 3 | 2 | 6–10 | 6 |
| 5. Ўзбекистон | 6 | 0 | 2 | 4 | 9–18 | 2 |







Савдо кўргазма —
Сизнинг мижозларингиз билан учрашиш учун!

28-31 октябрь 1997 й.
Ўзэкспомарказ, Тошкент



Construct Central Asia 97

in House 97

**Мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг!**

Жаҳон пешқадамлари ўзининг янги технологияларини ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

Марказий Осиёда 1-марта бўлиб ўтадиган Қурилиш индустрияси ва материаллари, маиший техника, уй учун ички жиҳозлар ва махсулотлар Халқаро Кўргазмасига ташриф буюринг.

**Иш вақти с. 10.⁰⁰-18.⁰⁰.**

"Fairtrade"нинг Тошкентдаги офиси
700084, Тошкент ш.,
А. Темур кўчаси, 107, № 3 пав.
Тел.: (3712) 34-54-95.
Факс: (3712) 34-44-60.

fairtrade Messe und Ausstellungs GmbH

Republican Trade and Exhibition Centre UZEXPOCENTRE
107, А. Темур кўчаси,
700084, Тошкент ш., Ўзбекистон.
Тел.: (3712) 34-45-45. Факс: (3712) 35-83-30.

146

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ




- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр, резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

сурхан аджанта фарма лимитед

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР

| | |
|---|---|
| ТОШКЕНТ | Тел.: 45 13 57 |
| САМАРҚАНД | Тел.: 22 57 69 |
| БУХОРО | Тел.: 22 89 98 |
| АНДИЖОН | Тел.: 26 52 94 |
| НАМАНГАН | Тел.: 6 42 61 |
| МАРҒИЛОН | Тел.: 37 19 96 |
| УРГАНЧ | Тел.: 556 75; 651 43 |

Тажрибали дистрибьюторлар таклиф этилади




Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

150


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши раҳбарияти ва Олий Мажлис Котибияти котибиятнинг масъул ходими З. Қ. Нормуҳамедовга акаси

**Абдумажид АБДУҚОДИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси Агентлик муҳандиси Ринат Ҳабибулинга отаси

**Асадбек ХАБИБУЛИНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Р. Беруний номли Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти, кон-геология факультети жамоаси доцент

**Рўзи ТОЖИБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 133-57-34;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Хатлар 136-29-89; 136-55-39;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;*
*Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Тунги муҳарририят 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.**
**Навбатчи — Х. Абдураҳмонов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**
**Босишга топшириш вақти—21.00** **Босишга топширилди — 21.20** 1 2 3 4 5 6